

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2013 йил
26 июнь
ЧОРШАНБА
№ 52 (12584)

www.th.uz

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Вилоят ҳаёти

ҲАММАГА БИРДЕК ТААЛЛУҚЛИ

Оққўрғон туманида "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда янги қонулар, Республика Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда қатор асарлари мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишга эътибор қаратилди. Уқув-семинарда хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, туман бандликка кўмаклашиш маркази, ички ишлар бўлими ва бошқа қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Умида ИСАЕВА.

«МЎМИНОБОД» — НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

Пискент тумани «Мўминобод» маҳалласида ўтказилган "Ўзбек аёли — одоб тимсоли" тадбирида хотин-қизларнинг ҳаётдаги ўрни ва хонадон фаровонлиги ҳамда тинчлигини таъминлашдаги роли тўғрисида сўз борди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамоат фонди вакиллари иштирок этган тадбир ёшларни оила қуришга тайёрлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, қайнона ва келин муносабатлари мавзусидаги давра суҳбатига уланиб кетди.

Шу кунги туманда таш-

кил этилган "Энг ораста маҳалла", "Энг зиёли маҳалла", "Энг тадбиркор маҳалла" ва "Энг зукко маҳалла" танловида маҳалла номидан фаол иштирок этган оилаларга махсус совринлар топширилди.

Бундай тадбирлар тумандаги яна 10 та маҳаллада ҳам бўлиб ўтди.

Шахло ФАЗЛИЕВА.

«МАЙДОНТОЛ»НИНГ КЎЧАСИ РАВОН

Паркент туманида "Обод турмуш йили" Давлат дастурида қишлоқларни ободонлаштириш масаласига алоҳида ўрин берилган.

Айниқса Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори ва белгиланган дастурга мувофиқ жойларда асосий ва ички йўллар таъмирланаётгани диққатга сазовор. Яқинда Номданак қишлоғи "Майдонтол" маҳалласидаги 500 метр ички кўча давлат бюджетни ҳисобидан тўлиқ асфальтланди.

Саодат МАКСУДОВА.

ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА

Зангиота тумани Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги тадбиркорлар савий-ҳаракати билан яна бир корхона фаолият бошлади.

"Шоҳона рангли бўёқлар" деб номланган масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган мўйбўёқлар қисқа фурсатда ўз харидорларини топди. Энг муҳими, корхона ишга тушгач, 5 нафар

маҳаллий ёш ишли бўлди.

Айни кунларда корхона жамоаси фаолиятини янада кенгайтириш устида изланишларни давом эттирмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ТЕЗ ВА СИФАТЛИ

Ангрэн шаҳар телекоммуникация боғламаси қошида "Ўзтелеком"нинг махсус савдо офиси ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш маскани фаолият бошлаганига кўп бўлгани ўй. Утган қисқа муддатда "Ягона ойна" тамойили асосида кўрсатилмаётган яхлит хизматлар абонентларга манзур бўлмоқда.

Хусусан, бу ерда мижозларга телефон, CDMA-450 стандартидаги мобил алоқаси, юқори тезликдаги интернет, интерфакс телевидение (IPTV) ва бошқа тезкор хизматлар замонавий шарт-шароитларда тақдим этилмоқда. Шу билан бирга шаҳар аҳли шу жойнинг ўзида ахборот-коммуникация тўловларини ҳам тез ва осон амалга ошириш имконига эга бўлди.

Ақром МАҲМУДОВ.



ўғли, ҳўжалиқнинг ишонган механизаторларидан бири Абдулла. — Бу йил 24,4 гектардаги "Анджон-36" ҳамда С-6524 нав гўза хар йилгидан баравар, дуркун ва соғлом, 40 центнердан ошириб хирмон кўтарамиз деб ният қилиб турибмиз. Утган йилги мавсумда ҳосилдорлик 37 центнердан тўғри келганди.

Фермернинг укаси Нурмухаммад ҳўжалиқнинг таҳрибали механизатори. Техниканинг қадрини обдон уққан.

— Фермернинг аввало техникаси бут бўлсин, — дейди у. — Шунда экинлари кунда бир яшнайверади. Негаки, МТПдан ёлланадиган техникани кўтиб ўтирмай, экин айна талаб қилиб турган пайтда ишлов беради. Бизнинг техникаларимиз етарли. Ғузмиз вилоятда биринчи бўлиб гул қўрсатгани бежиз эмас.

— Юртбошимиз яқинда Сирдарё ва Жиззах вилоятларига сафарлари чоғида узоқ йилларга мўлжалланган фикр-мулоҳаза ва тақлифлари ўртага ташладилар, — дейди Мардон Тоиров. — Айниқса, буғунги фермер таҳрибали деҳқон бўлишининг ўзи камлик қилиши, у хар хижатдан илмли-билимли, узоқ йилларни кўзлаб, ҳозирдан замин тайёрлаб бориш салоҳиятига эга бўлиши зарурлиги хусусидаги фикрлари биз, фермерлар учун энг тўғри ва энг устувор талабдир. Биз ҳам ҳўжалиқимизнинг келажагини ўйлаб, чорвачилик тармоғини ташкил этиш ва ривожлантиришга киришдик. Ҳозир қорамолларимиз 20 бошдан ошди. Кўй-қўзиларимиз 100 бошга етди. Бу бошланиши. 2015 йилга бориб, ўзимиз етиштирган чорвачилик маҳсулотлари қайта ишланадиган цехларга эга бўлишни режалаштирганимиз.

СУРАТДА: Фермер Мардон Тоиров (унгда) укаси Нурмухаммад Тоиров билан гўза ривожини кўздан кечиришляпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

АСЛ ФЕРМЕР УЗОҚНИ КЎЗЛАЙДИ

Ҳали бунақаси бўлмаганди. Мардон фермернинг ўзи ҳам ҳайрон. Йигирма йил фермерлик қилиб, биринчи бор вилоят ҳокимининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлишди. Ғузаси вилоятда биринчи бўлиб гул қўрсатгани учун вилоят ҳокими суюнчига энг сўнгги марказдаги рангли телевизор совға қилибди.

Аслида "Темур" фермер ҳўжалиқининг ишлари бунданга юксак муқофотларга лойиқ. Чунки, 23,4 гектар майдондаги бугдойнинг 10,4 гектаридаги ҳосилни бир уринидаги ўриб-янчиб, давлат эҳтиёжлари учун шартномадаги 60 тонна ўрнига 72,5

тонна дон топширилди. Кўриниб турибдики, ҳосилдорлик қарийб 70 центнерданга айланяпти. Бу Бўкса туманида энг юқори натижа десак муболаға бўлмайди.

— Қолган 13 гектар майдондан ҳам кам дегадан шунча галла оламиз, —

дейди фермер ишонч билан. — 22 эъзонинг хар бирига камида 1500 килограмдан бугдой тарқатиш имкониятимиз бор. Бу яхшигина қўшимча даромад.

— Даромадининг салмоқлиси пахтадан келади, — дейди фермернинг катта

Асаларичилик



ЁШ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Санжарбек ишнинг кўзини биладиган тадбиркор йигит. Бу ҳислат унга бобосидан юққан. Набижон ота Бобораҳимов узоқ йиллардан буён асаларичилик билан шуғулланади. Ёши саксондан ошган бўлсада, ҳамон 150 қути асаларини парвариш қилиш билан банд.

Бекобод техника-иктисодий қасб-хунар коллежини тамомлаган ёш Санжарбек ҳеч иккиланмай, тадбиркорлик йўлини танлади. "Агробанк"нинг туман бўлимидан 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, асаларичиликка киришиб кетди. "Санжарбек асал асалари" деҳқон ҳўжалиқини ташкил этиб, кўпчиликни ҳайрон қолдирди.

Айни кунларда ёш тадбиркор йигитнинг кўлиқўлига тегмайди. 120 қути асалари уясини парваришлаб, хар қутидан 25-

30 кг. асал йиғиши ниятида. Ўзи билан ёнма-ён ишлаётган яна беш асаларичи унга доимо кўмақдош. Бекобод деҳқон бозори ҳудудида дўкон очиб, асаларидан олинандиган барча маҳсулотларни сотишмоқда.

— Режаларим янада катта, — дейди Санжарбек Қосимов. — Келгусида асални қадқоқлаш цехи очмоқчиман. Натижада асалари уясидан барча маҳсулотлар шу ернинг ўзида йиғилиб, сотувга чиқарилади.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ишловлар жараёнида замонавий билим ва юқори тайёрликка эга малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЛЕЙТЕНАНТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги фармойиши бор борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга асосан Қуролли Кучларимизда офицер кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, олий ҳарбий билим юртларида курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўташи учун зарур шароит яратиш, ҳарбий касбининг нуфузини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилиб, таълимнинг моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усуллари, илгор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилаётди.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчиларига диплом ва кўрак нишонлари топширишга бағишланган тантанали тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. Сўзга чиққан жамоатчилик вакиллари, ота-оналар Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

— Болалик орзуим ушани ки, офицерлик либосини кийганимдан ғоят хурсандман, — дейди билим юрти битирувчиси, лейтенант Акмал Юсупов. — Бу ердан назарий ва амалий машғулотлар зиммаларимизга таълим-муассасаларимиздаги ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири.

ЮРТИМИЗДАН МУНОСИБ СОВҒА

Яқинда Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ассоциацияси томонидан Шанхай кутубхонасига Ўзбекистон тарихи ва маданияти ҳақида атрофлича маълумот берадиган ўттизга яқин китоблар тўпламини топшириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур китоблар Шанхай кутубхонасига "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан тақдим этилди.

Мамлакатимизга оид китоблар орасида турт юздан ортиқ аjoyиб тарихий ва замонавий бадий суратларни ўз ичига олган "Тошкент: бир шаҳар тарихи" деб номланган нашр алоҳида ажралиб турадиган. Академик Эдвард Ртвеладзе-нинг "Урта Осиё ҳудуди маданиятларининг тарихи ва ўзаро алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи "Мар-

казий Осиё цивилизациялари, давлатлари ва маданиятлари" асари, араб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган, Ўзбекистон меъморий ёдгорликларидаги хаттотлик ёзувларининг энг яхши намуналарини ўзида акс эттирган фотосуратлар билан безатилган "Ўзбекистон қадимий меъморий ёзувлари дурдоналари" альбоми,

Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний ва бошқа жажон илм-фани тараққийига бекиёс ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берадиган "Хоразм Маъмур Академияси" энциклопедияси ва бошқа асарлар мазкур тўпلامдан жой олган.

Мамлакатимизнинг кўҳна маданияти ва аъёнларини ҳамда юртимиз замонавий қиёфасини ўзида қириқил акс эттирган "Форум жамғармаси Ўзбекистонини намойиш этади" номли фотоальбом тадбир қатнашчиларида алоҳида таъсирот қолдирди.

Шунингдек, Шанхай кутубхонасининг муҳташам биносига муваффақият билан ўтказилган "Ўзбекистон таниқли рассомларнинг замонавий асарлари" номли кўргазмада "Ўзбекистон амалий санъати. Қадриятлар изчиллиги" рангли наشري, шу билан бирга машҳур ўзбек рассомининг Шанхайда кўп марта намойиш қилинган асарларининг кўчирма нусхаларини ўзида жамлаган "Акмал Нур. Санъат асарлари" тўплами ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборини ўзига тортиди. Шанхай кутубхонаси директори Ву Цзянжон тақдим этилган ушбу ҳадая учун чуқур миннатдорчилик

билдирар экан, китоблар тўплами ўзбек халқининг бой маданий ва тарихий мероси янада кенг тарғиб қилинишига ҳамда хитой жамоатчилиги Шанхайнинг биродар шаҳри — Тошкент билан янада яқиндан танишишига қўшимча имконият яратишини айтди.

Ву Цзянжоннинг маълум қилишича, қабул қилиб олинган мазкур асарлар кутубхонанинг хорижий адабиётлар бўлимида алоҳида ойнаванд пештахтага жойлаштирилади. Китобхонлар уларнинг электрон кўринишидаги нусхаларидан ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади.

"Жаҳон" АА, Шанхай.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари куни

ГАЗЕТА – ҲАЁТИМИЗ АСОСИ

Оммавий ахборот воситалари шу соҳа кишиларининг тақдирини, кундалик турмуш тарзини, орзу-умидларининг бир қисми десам муболага эмас. Газета-журнал мутулааси билан шуғулланиш, янгиликлардан воқиф бўлиш, шунингдек, ижтимоий ҳаётимизни ифода этиш мақсадида қўлга қалам олишни кундалик эҳтиёж санайдиган матбуотчиларни чин маънода янгиликлар элчиси дейиш мумкин.

Шу жиҳатдан олганда биз, "Истикбол" газетаси тахририят ходимлари ҳам тумандошларимиз хонадонларига бирор сатр янгилик билан кириб бораётганимизни нафақат фахр, балки катта масъулият деб ҳис этамиз. Газетамиз 1934 йил 10 июлдан чиқа бошлаган. Бугунги кунда 8

мингга яқин газетхонларимиз туманимиз кўзгусига обуна бўлишган. 2010 йилдан "Истикбол"нинг 8 саҳифада, рангли нашр этилаётгани кўпчиликка манзур бўлмоқда. Тахририятимиз ижодий ходимлари бош муҳарриримиз Саъдулла Матёкубов бошчилигида газетани ранг-ба-

ранг, ўқишли бўлишини таъминлаш учун тинмай изланишмоқда.

С. Матёкубовнинг газета билан боғлиқ ҳаёт йўли 1982 йилдан бошланган. У вилоят газетасида ишлаган кезларида қалами ўткир журналист бўлиб танилди. Кейинчалик тажрибали журналист Тошкент тумани "Истикбол нури" (1991-2010), сўнгра Зангиота ва Тошкент туманлари бирилашган, Зангиота туманининг "Истикбол" газетаси муҳаррири этиб тайинланди.

Газетамизда "Инсон ва қонун", "Жинойат ва ҳазо", "Қилмиш-қилдириш", "Депутат минбари", "Истикбол фидойилари", "Маориф жонқуярлари", "Ёшлар сўз сўрайди", "Маънавият сарчашмалари", "Турмуш чорраҳаларида" каби рухлар остида муштариларни кенг мушоҳадага чорловчи қизиқарли материаллар бериб борамиз, бу тумандошларимизни бефарқ қолдирмайпти. Буни "Газетхон муҳаббатлари", "Менга сўз беринг" рухлари остида босилаётган мақолаларда кўриш мумкин.

Газета – катта куч. Унинг ёрдами билан ечимини кутаётган баъзи муаммолар ўз вақтида бартараф этилиб, ижобий ҳал қилинмоқда. "Истикбол рейдри", "Лоқайдлик қачонгача?", "Бетга айтганининг захри йўқ", "Фотоайблов", "Луқма", "Коммунал тўлов"



каби рухларда турмушимизда учрайдиган айрим камчиликлар, раҳбар ва мутасаддиларнинг бепарволиги журналистлар томонидан беаёв фож этилмоқда.

Кези келганда бош муҳарриримиз С. Матёкубовнинг: "Ҳақиқатни юзага олиб чиқиш учун журналистнинг оёғи қалтирамаслиги керак. Ҳақиқатгўйнинг ҳақиқига дуо қилувчилар кўп. Кўпнинг дуосини олишга ҳаракат қилинг" деган гаплари тахририятимиз ходимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлашни истардим. Устозимизнинг "Газета адолат по-

сонгиси бўлиши керак. Мухбир эса халқ хизматкори" деган гаплари бизни ҳар доим ростиўликка чорлайди. Ушбулар дардини ўзимизники деб билиш, кўпчилик учун қайғуриш, менга нима қабилда иш кўришдан юз ўгиришни ҳам халқ минбари бўлган газетадан ўрганганмиз. Шундай экан, газетани нафақат ишимиз асоси, балки кувончу шодлигимиз, ўй-ташвишларимиз дегим келади.

Аллома АЗИЗОВА, Зангиота тумани "Истикбол" газетаси муҳаррири ўринбосари.



Ахборотларни, гоё, образ ва билимларни сақлаш, тарқатиш, ижтимоий-сиёсий, илмий-эстетик қарашларни шакллантириш воситаси, билимлар тарғиботи ва тарбия қуроли – бу оммавий ахборот воситаларидир.

Мустақиллик йилларида полиграфия саноатида туб ислохотлар амалга оширилиб, бошқа соҳалар каби хусусий сектор шаклланди. Давлат матбуот кўмитасига қарашли босмаҳоналарнинг аксарияти хусусийлаштирилди ва мустақил полиграфия корхоналари тармоғи вужудга келди. Ҳозир беш юздан зиёд хусусий, масъулияти чекланган жамият, шўба корхона шаклидаги матбаа корхоналари мавжуд. Уларда замонавий компьютерларда матн териш, маҳсулотларни тезкор усулларда ва юқори сифатда чоп этиш тармоқлари ишлаб турибди. Ҳозир интернет орқали билим олиш ва билим бериш, турли ёзишма ва бошқа ишларни амалга ошириш оддий ҳол бўлиб қолди. Китобларни, у бадиий бўладими, дарслик бўладими, сиёсий ёки

иқтисодий бўладими, замонавий электрон вариантлари яратилмоқда. Булардан кўзланган мақсад китобхонларни билим олишга, китоб ўқишга бўлган қизиқишларини оширишдир. Президентнинг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб кўплаб имтиёзлар яратилгани, айрим солиқ турларидан батамом овоз қилинган соҳани янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Niso poligraf" шўба корхонаси чоп этаётган маҳсулотларини замон талабларига мос, сифатли, харидорғир

қилиб чиқариш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Ўтган йили юздан ортик нонда, 250 мингга яқин нухсада бадиий адабиётлар, "Рус-

ча-ўзбекча сўзлашгич", "Ўзбекча-туркча сўзлашгич", "Инглизча-ўзбекча лугат", "Биология", "Математика", "Физика", "Химия", "Жаҳон тари-


хи", "Ўзбекистон тарихи" каби маълумотномалар чоп этилди.

Бундан ташқари, корхонада "Юқори Чирчиқ ҳаёти", "Оҳангарон ҳаёти", "Чирчиқ тонги", "Машъал", "Пискент ҳаёти", "Ангрен ҳақиқати", "Ангренская правда", "Халқ овози", "ЭКО мувозанат", "Иқтисодчи", "Педагог", "Ижод парвози" газеталари, "Санъат", "Билим булоғи", "Муаллим", "Кардиология", "Педиатрия" журналлари босилмоқда.

Корхона ҳамкорлари бўлган газета ва журналлар тахририятлари билан асосан интернет тармоғи орқали ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Бу тахририятлар учун ҳам, корхона учун ҳам катта қулайлик туғдири.

Бугунги кун медиа бозори талабларидан энг муҳими маҳсулот таннархини арзонлаштиришдир. Шу мақсадда корхона ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун коғоз, офсет қолип ва бўёқларни хориждан тўғридан-тўғри олиб келишни йўлга қўйди.

БИЛИМЛАР ТАРҒИБОТИ ВА ТАРБИЯ ҚУРОЛИ



Паспорт тизими

ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ САМАРА БЕРМОҚДА

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан аҳолининг амалдаги паспортни биометрик паспортга алмаштириш давом этмоқда. Бекобод тумани ички ишлар бўлими паспорт бўлини масоҳи Мирзакарим ТОҶИЕВ "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига қуйидагиларни гапириб берди:

66 та корхона, ташкилот ва муассаса, 16 та ётоқхона, 98 та хонадон, 52 та дала ховли, 81 та болалар муассасаси текширувдан ўтказилди, 956 та қонунбузилишлар аниқланди ва 868 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан салкам 66 миллион сўм, 14 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслардан 4 миллион сўмдан ортик жарима ундирилди. 74 нафар МДХ мамлакатлари фуқаролари Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидасини бузганлиги учун мамлакатимиздан чиқариб юборилди.

90 мингдан зиёд фуқароларни белгиланган муддатларда биометрик паспорт билан таъминлаш учун барча чораларни кўраётимиз. Ушбу фаолиятимиз халқро фуқаро аэронавигацияси хафсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақлаштирилишига қарши химоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тез ва аниқ идентификациялаш тамойилларини такомиллаштириш, халқро авиатрашчилар маданияти ва самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса бўлишини яхши тушунамиз.

Бўлинмамиз маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда "Паспорт-виза" тадбирини ўтказиб боради. Бу йил шундай тадбирлар давомида

Суҳбатни Каримкул МАВЛОНОВ эзиб олди.



– Мухтарам Юртбошимиз Фармони замонавий халқро андозалар ҳамда талабларни ҳисобга олган ҳолда миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадини назарда тутди. Туманимизда фуқаролик паспортини биометрик паспортга алмаштириш учун бўлинмамиз замонавий техника ва алоқа воситалари билан таъминланган. Малакали мутахассисларимиз ишни яхши йўлга қўйишган.

Корхона ва ташкилотларда, ўқув даргоҳларида биометрик пас-

портнинг афзалликлари юзасидан кенг тушунтирилди олиб борилмоқда. Жараён бошлангандан буён 12 мингга яқин фуқаро паспортини янгилаган бўлса, 2013 йилнинг ўтган беш ойида бўлинмамиз 6725 фуқарога биометрик паспорт тарқатди. Ҳар кун 70-80 фуқаролик паспортлари эгаларига топширилмоқда. Бўлинмамиз маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда "Паспорт-виза" тадбирини ўтказиб боради. Бу йил шундай тадбирлар давомида

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ – БОШ ТАЯНЧ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши "Етакчи" ўқув марказида "Камолот" ЁИХнинг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилиги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадлари мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда мустақил институти ва "Камолот" ЁИХ вилоят бўлими вакиллари, академик лицей, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари бошланғич ташкилот-

лари етакчилари иштирок этди. Қатнашчилар давра суҳбати давомида бошланғич ташкилот етакчилари фаолияти юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, улар фаолияти самарадорлигини янада оширишда оид муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бунёдкорлик

АНГРЕН ШАКАР ЗАВОДИ ҚУРИЛЯПТИ

Мамлакатимиз Президентининг Ангрэн махсус индустрия зонасини ташкил этиш тўғрисидаги тарихий қароридан сўнг Оҳангарон воҳаси улкан бунёдкорлик майдонига айланиб бормоқда. Шаҳар саноат зонаси ҳудудида бунёд этилаётган Россия – Германия –

Ўзбекистон қўшма корхонаси – Ангрэн шакар заводи қурилишида иш қизғин. Аввало, корхона бунёд этилаётган майдон томон қатта йўл тушмоқда. Йўл соғлар қудратли замонавий техникалар ёрдамида қурилиши ҳадемай тугаллайдилар.

нади ва Наврўз байрами кунлари ишга туширилади. Етти миллион АҚШ доллари миқдорига чет эл инвестицияси қилинган корхона битга, кунига 1000 тонна шакар

ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Камида 2000 одам доимий иш билан таъминланади. – Ҳали қанчадан-қанча қўшимча ижтимоий, маданий-маърифий объектлар қурилади, – дейди «Тут» маҳалла оқсоқоли Шавкат Мўминов. – Хусусан, бизнинг маҳалламизда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш яхшиланади, энг муҳими – турмушимиз янада фаровонлашади.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида ҳам Оҳангарон воҳасининг салохияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятлари, шарт-шароитлари, ҳудудни обод ва замонавий, тараққий этган масканга айлантириш йўлида туман аҳли, депутатлар, мутахассислар ҳамда ёшларнинг олдига турган вазифаларга батафсил тўхталинди. Нурали АБДУРАСУЛОВ.



Олов – тилсиз ёв

Кейинги йилларда айрим деҳқонлар галладан бўшган майдонлардаги сомон қолдиқлари ва бошқа чиқиндиларни ёқиб юборишни одат қилишди. Улар такрорий экин экиш учун ерни бўшапти, уни тезроқ ҳайдашга тайёрлаш зарурлигини рўқча қилиб, қилмишларини хас-пўшлашга уринишди. Аслида эса сомон қолдиқларини йиғиб, чиқиндиларни кўмиб, компост қилишдан эриниб, улардан тезроқ қутулишни мақсад қилишди. Наҳотки, улар бундай номатқулчилик катта муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини англаб етмасалар?

Ҳўш, ерни экишга тайёрлаш учун сомон қолдиқларини ёқиб шартми?

Олим ҳамда кўпга тажрибали деҳқонлар такрорий экин экиш учун ерни ҳайдаш шарт эмас дейдилар. Сомон ва тўқилган бошоқлар (машоқ) йиғиб олинган, юртириб сув бериб, чуқур чиғирлаб ёки экин ёқилган қаторларнинг аямаши кифоя. Бунда, ҳатто, анчагина афзалликлар мавжуд. Биринчидан, ердаги намлик сақлаб қолинади. Иккинчидан, ёз иссиғида экинган кўчат ёки уруғларга сомон соя бериб, унинг кўкаришини тезлаштирилади. Дон экинларидан қолган озуқа моддаларини янги экиннинг ўзлаштириши тезлаштиради. Қолаверса, сомон қолдиқлари ер бағрида ҳосил беришни кўчирган учун чиришдан сақланадиган аяшнинг тўшама сифатида ердан беради. Бундай усулни ота-боболаримиз аввалдан қўллаб келишган.

Бундан ташқари, сомон ўз навбатида чорвачилик учун я-

СОМОН ЁҚИШНИНГ ЗАРАРИНИ ҚОЛЛАШ МУШКУЛ

шигина озуқа бўлиб турганида уни кўр-кўрона ёқиб юбориш бундан исрофгарчиликка йўл қўйилмаётган. Ҳозирги кунда ёзорларда 1 та ўрам сомон (10 кг) 2-2,5 минг сўмга сотилмоқда. Агар 1 гектар майдонда 2 тонна сомон ёқиб кетадиган бўлса, кўриладиган иқтисодий зарар камида 400 минг сўм бўлади. Бу еғини энди ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб олаверинг.

Сомон ёқиб кетилган ерларнинг унумдор устки қатлами куйиб, 20 сантиметр чуқурликка қача қилиб кетади ва тупроқнинг барча хусусиятларига зиён етади. Ерларнинг "хосилот"ла-



ри бўлган ҳувалчанг ва турли энтомофаглар қиррилиб кетади. Энг ачинарлиси шунки, сомон ёқилиши туфайли атрофдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумладан тут дарахлари, майда фойдаланган хашаротлар, судралиб юрғичи ноёб ҳайвонлар, парранда ва уларнинг уяларига зиён етади. Далалар орқали ўтадиган электр сими, алоқа тармоқлари устуллари, қаровсиз қолган чорва моллари, шамол таъсирида экин майдонлари, бино ва иншоотларга ўт кетиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Экин майдонидagi олов тупроқнинг ўз-ўзини тиклашдек ноёб хусусияти бузилишига олиб келади. Сомонга қўшиб далаларда сочилиб ётган плёнка қолдиқлари, баклашқалар, хар хил чиқиндиларнинг ёниши туфайли атмосферага чиқариладиган канцероген захарли моддалар таъсирида одамлар соғлигига зарар етказиши, нафас қилиш, асаб тизими фаолияти бузилиши ва соч тўқилиши каби касалликларни келтириб чиқаради. Айниқса, ўсимларга таъсири хавфли бўлиб, бепуштлиқ дарағида мушкул қилади. Ҳосил бўладиган ис газ азот, аммиак, аммоний гидроксидлари ҳавога тарқалиши, азон тўйну-

гининг катталашиб, ер юзида содир бўлаётган глобал иссиқ жараёнининг тезлашишига олиб келаётгани ҳақида уйлашимиз зарур эмасми?

Юқоридаги ноҳурин хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда Молия вазирликлари, Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг "Бошоқли дон экинлари поёси сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қўшма қарори 2007 йил январдан қучга кирган. Унга кўра ҳар гектар ер ҳисобидан энг камида 500 минг сўмдан ортиқ тонна ундирилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси "Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 4, 24-моддалари бузилишига йўл қўйган ҳўқуқбузарларга нисбатан "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 88-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг 5 баравари – (897950 сўм)дан 10 баравари (795900 сўм)гача жарима солиниши кўзда тутилган.

А. АБДУҲОЛИҚОВ,
Тошкент вилояти табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг давлат инспектори.

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ОХИРИ ФОЖИА

Бепарволик, лоқайдлик, эътиборсизлик – ёнгинларнинг бош сабабчиси. Шу кунларда ҳаво кескин исиб кетиб, яшил майдонларнинг қўриб кетишига олиб келди ва арзимоган учқуннинг ўзи катта майдонлар ёнишига сабаб бўлмоқда. Гараж орасида қолган чиқиндилар, уй атрофларига ташланган майиш ахлат, ўз вақтида тозаланмай, қўриб кетган хашак нафақат манзарани, экологияни бузади, балки турли хашаротларнинг кўпайишига ва ёнгинларга ҳам олиб келади.

Пойтахтда йилнинг ўтган даврида 498 та ёнгин чиқиб, 15 киши ҳалок бўлди, 12 киши жиддий тан жароҳати олди. Моддий зарар 194 миллион 800 минг сўмдан ошди. Ёнгинларнинг аксарияти Сергели (64 та), Ҳамза (62 та), М. Улуғбек (60 та) туманларида қузатилди.

Айнан фуқаролар ташлаган ахлат ва очиқ майдондаги қўруқ хашакларни ёқиб юбориш натижасида ёнгинлар кўпайиб бормоқда. Июнь ойининг 20 кунда қўруқ ўт ва ахлатларни ёқиб юбориш оқибатида 115 та ёнгин чиқди.

Аслида хонадонларнинг

рўзгор чиқиндиларини пакетларга солиб, махсус жойларга ташлаш катта меҳнат талаб этмайди. Чунони, сариштали уй беклари ҳам кўп. Нафақат уй, балки, кўчаларни ҳам ўзбекона урф-одатларимизга мос ҳолда ораста ва саранжом сақлаш аёлларимизнинг зийнати ва қўркидир. Бу ишда махалла фуқаро-лаштириш йиғини раислари, уй-жой назоратчи ҳам фаол иштирок этишса, хашарларни қучайтиришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Муслима РАХИМОВА,
Тошкент ИИББ ЕХБ муҳандиси.

Саломат бўлинг

КЕКСАЛАРГА ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Кексалар қадр топган юртда ҳаммиса тинчлик, қут-баракат бўлади. Шу боис ёши улугларни эъзоллаш, меҳр ва эътибор кўрсатиш халқимизга хос эъгу фазилат.

Бўстонлик туманига йўлингиз тушса, кўркем бог-бўстонлар бағридаги "Товоқсой" сийхатгоҳига ҳам бир кириб ўтинг. Шу кунларда муассаса ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Юртимизнинг турли гўшаларидан келган меҳнат фахрийлари, отахону онахонлар айни ённинг жазирама кўнларини худди шу ерда, соя-салқин, сўлим ва баҳаво жойда ўтказмоқдалар. Бинобарин, республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги тасарруфидаги муассаса айнан уруш ва меҳнат фахрийлари саломатлигини сақлашга иштирослашган бўлиб, жамоа отахону онахонларга хўш кайфият, маънавий-руҳий маддад беришга баҳоли қудрат камарбаста бўлаётир.

Яқинда шифо маскани тубдан қайта таъмирланиб,

янги замонавий даволаш мажмуаси қўриб битказилиб, 500 кишига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилди. Муассаса хориж давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий диагностика ва даволаш асбоб-анжомлари билан тўлиқ таъминланди. Ётоқ биналари, коттежлар, ошхона, фитобар, спорт-соғломлаштириш ҳамда маънавий-маърифат масканлари таъмирдан сўнг шиная ва кўркем қиёфа касб этди.

Қурилиш ва ободонлаштириш ишларига давлатимиз 1 миллиард 680 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтиргани юртимиздаги кексаларга эътибор кўламини англапти турибди, – дейди бош шифокор Нурали Йўлдошев. – Муассасамизда хордиқ чиқариб, кўл-оёқ, суяк ва бўғимлар, ошқозон-ичак,

юқори нафас йўллари, юрак хасталиқларига даво топаётган нурунийлар бундай юксак гамхўрликдан гоёят миннатдор бўлаёттилар.

Дарвоқе, сийхатгоҳда салқин ёз оқшомлари эсда қоларли ажиб таассуротлар билан ўтади. Бу ерда рангбаранг маънавий-маърифий кечалар, кексалар ва ёшлар учрашувлари ташкил этилади. Дилтортар куй-қўшиқлар жозибадор рақсларга уланади.

– Сийхатгоҳда биз, кексалар учун эътиборни кўриб, бошимиз кўкка етди, дардимиз аригандек бўлди, – дейди чинозлик меҳнат фахрийси Фавзия ая Вакилова. – Бундай эътибордан жуда миннатдоримиз. Шунинг учун ҳар сафар дуога кўл очиб, аввало, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка кўз тегмасин, эъгу ишларнинг бошида турган Президентимиз соғ-саломат бўлсинлар, дея ният қиламиз. **Шўқур МУРОДОВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сопиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндаги уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равоон йўлларга эга;

Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонтанисизни кўпайтириш имконияти;
- Имтиёзли фонд ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маони муқдор йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар сарови.

Янги уйда озангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оилангиз режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфлансин;
- Янги уйлар янгида яқинроқ турмуш тарзи ҳақида оилангиз тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилди.

Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармов ва фарзандлар учун мерос.

Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Камолот" ЕИХ бўлимчаларига;
- Хотин-қизлар кўмиталарига;
- "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, минни банкларига;
- "Қишлоқ қурилиш инвести" филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

Миннатдорлик

ХИЗМАТИНГИЗДАН МАМНУНЛАР

Таҳририят Бўка тумани Нуруний кўчасида яшовчи Александр Кўзиева ва Эътибор Тожибоевдан шифохоналардаги юқори савияли хизматдан мамнуликларни ифодаланган миннатдорлик хати олди.

– Уч фарзандим, одобли, тарбияли келинларим ва шириндан-шакар набираларим бор, – деб ёзади Эътибор ая Тожибоева. – Киши кексайган, тез-тез дардага чалиниб тураркан. Юнусобод туманидаги Вирусология илмий-тадқиқот институтига даволаниш учун ётдим. Бир-икки кундаёқ соғлигимда ўзгариш сездим. Бу бўлим бошлиғи Лола Мирфаёзова, ҳамшира Ҳўжия Рашидова ва бошқа ходимларнинг ўз ва-зифаларини сийқидилдан

бажаришларидан, албатта. Биз, барча палатадошлар улар хизматидан миннатдор бўлдик.

Тез соғайиб кетишимизнинг яна бир сабаби "Оқ либосли фаришта"ларнинг санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилишлари, ёқими муомала ва ширин сўзликдан деб биламан. Уларнинг ўзлари ҳам ҳаммиса эл ардоғида юришларини тилаймиз. – Аллоҳга шўқр, оилам, набираларим даврасида қариллик гаштини суриб

юрибман, – дейди Александр Кўзиева. – Озод юртда яшаётганимдан хурсандман. Бир неча йиллардан бери қандли диабет ва қон босимидан азият чекам. Бу хасталиқдан халос бўлиш учун Товоқсой дам олиш оромгоҳида 10 кун даволандим. Ҳамшираю шифокорлар кексалик хурматимизни ўрнига қўйиб, яхши эътибор ва ҳўшмуомала билан даволашди. Яратилган шароитлардан, шифокорлар Н. Йўлдошев, А. Носировнинг хизматидан, С. Баходирова ва Д. Юсуповнинг хонамизни тоза тутишидан мамнун бўлдим.

Ўз мухбиримиз.

Қилмиш-қидирмиш

ЖАҲЛИНГИЗНИ ЖИЛОВЛАЙ ОЛМАСАНГИЗ...

Жамиятда бўладиган ҳар қандай гайриқонуний хатти-ҳаракат қонуни билмаслик ёки уни маъносизлик оқибатида юзага келади. Бошқача айтганда, инсоннинг нафси уни ҳар қандай қонуний метёёрларни четлаб ўтишга бошлайди.

Ақлу ҳўшини йиғиштириб олган, ҳар қандай қилгилги учун аввало қонун, қолаверса, виждони олдига жавоб беришни тушунган ва доимо бунди ҳўш этиб ашайдиган инсон ҳеч қачон гайриқонуний ишларга кўл урмайди, жиноят кўчасига кирмайди.

Қамола Шомуродова (исм-шарифлар ўзгартирилган) бу ҳақда билмайди ёки айтганимиздек, жамиятда белгиланган қонун-қоидаларни менсимайди.

Ўтказиб, 5 фарзандининг ризқини териб юрарди. Нима жин урдию ўзи каби тирикчиликнинг шу тури билан шугулланадиган Асила Турсунова кўзига балодек кўриниб қолди. У Кўқалдош мадрасаси ёнида савдо билан шугулланиб ўтирганида ҳей йўқ, бей йўқ Қамола Шомуродова келиб дўппослай кетди. Писта ўлчаш учун ишлатадиган шиша идиш билан бошига уриб, жароҳат етказди. Иккита қап-қатта аёлнинг муштлашувини кўрган атрофдагилар уларни ажратиб қўйишди. Бўлмаса ким билади дейсиз, балки жанжал аянчили

яқунларимиди?

Судда айбига иқрор бўлиб, кўрсатма берган Қамола қизишиб кетганини, нима бўлганда ҳам ўзини оғир-босиқ тутиши кераклигини таъкидлади.

Жаҳл чиққанда ақл кетади деганларидек, ўша пайтда кўзига ҳеч нарса кўринмади. Натижада бир кишига жароҳат етказди.

Аслида Асила Турсунова ҳам ўзаро жанжалда жимгина қараб тургани йўқ. Аммо ҳеч кимга жароҳат етказмади. Шунинг учун мазкур жиноят ишининг унга тааллуқли қисми ҳаракатдан тўхташилди.

Қамола Шомуродова эса қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди.

Ихтиёр АКБАРОВ,
Шайхонтоҳур туман прокуратураси ходими.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси. Сотувчи манзили: 100077, Тошкент шаҳри, Муस्ताқиллик шоҳқўчаси, 107-уй. Алоқа телефонлари: (8-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-27-29.

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Балаанса савдоларининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм	Энг кам инвестиция миқдори	Ҳўсурий-лаштирилган бўлмаган ҳўкумат қарори
1	246-ўйинч биринчи қаватда жойлашган но-тураржой қўсми	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Навоий кўчаси	Чирчиқ шаҳар ҳўқимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 1	Бинонинг қурилиш ости майдони – 93,47 кв.м., фойдаланиш майдони – 71,85 кв.м.	58 484 000,0 сўм	-	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
2	Гараж, установа ва омборхона биналари	Тошкент вилояти, Паркент тумани, Чанди қишлоғи	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Кўёни" илмий ишлаб чиқариш бирлиғимаси Материалшўнослик институти, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Кўёш қўрғони	Ер майдони 1,57 гектар, биналарнинг қурилиш ости майдони 988,49 кв.м.	205 577 200 сўм	102 500,0 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўрниларини ташкил этиш	ВМ – 256 7.09.2009 й. ВМ – 207 18.07.2011 й.
3	Фаолият юритмаётган сойиқ "Партос нефть базаси"га қарашли мулклар	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Товоқсой қўрғони ГЭС кўчаси	"Кўчлик нефть базаси" УҚ, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Кўчлик станицяси, Бобур кўчаси, 58-уй	Ер майдони 0,5108 гектар, биналарнинг қурилиш ости майдони 193,0 кв.м.	320 700 917,0 сўм	Сотиб олиш қўйма-тининг 50 фондан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўрниларини ташкил этиш	ПҚ-1743 25.04.2012 й.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида 2013 йил 5 август куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари):

1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.
 2. Тўлов муддатини қисқа муддатларда амалга ошириш.
 3. Сотувчи билан 20 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш.
- Талабдорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти:** 2013 йил 2 август куни соат 18.00 гача.
- Тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шаҳсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюортоманомани икки нўсхада тақдим этади:
- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаининг нўсхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нўсхаси илова қилинган ишончнома;
 - жисмоний шахслар учун – паспортнинг нўсхаси,

ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нўсхаси илова қилинган ишончнома;

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорда зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нўсхаси;
 - қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нўсхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари;
 - сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
 - инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.
- Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
- Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳўқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошқоралик тўбминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларига хабар қилингиз сўралади.

Утерянное свидетельство о неполном среднем образовании за А № 565069, выданный в 2 июля 1990 году средней школой № 2 Чиназского района Ташкентской области на имя Китаевичей Ирины Игоревны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти Зангиота тумани Давлат-тижорат халқ банки Келес филиалининг 011-сонли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "DIYOR BIZNES" (ИНН 206539513, ОКПО 21158662) Юнусабдского района, г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 246 309 561 сум до 179 309 561 сум.

Утерянную гувохному (патент) за № 01-02254, (реестр № 0103790) от 24.01.2007г. отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтептинского района г. Ташкента на имя Артикова Азима Эргашевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТЕЛЬНЫМ.**

"TERMOXIM-SINTEZ" МЧЖга 4-295/2005 реестр рақами билан расмийлаштирилган Ҳамза тумани, Авиахим кўчаси, 32-уй манзилидаги офис ва омборхона биноси кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

